

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссияси «ишонч телефони»га фуқаролардан  
тушган мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш  
ва ижроси тўғрисидаги Регламент**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси «ишонч телефони»га фуқаролардан тушган мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва ижроси тўғрисидаги Регламент (кейинги ўринларда регламент деб юритилади) олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан қафолатланган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Регламент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси ОАК деб юритилади) «ишонч телефони»га фуқаролардан тушган мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва ижросини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

3. Ўзбекистон Республикаси ОАК «ишонч телефони»га кўнғироқ қилган фуқаролар мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни (3.1.02.2015) талаблари асосида кўриб чиқилади.

4. Жисмоний шахсларнинг мурожаатларини қабул қилишда уларнинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда ариза-шикоятининг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

5. Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ва телефон рақамлари кўрсатилмаган ёки у ҳақида сохта маълумотлар кўрсатилган ҳолда мурожаат аноним деб топилади ва кўриб чиқилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни 14-моддасига биноан мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборот давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл кўйилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси ОАК «ишонч телефони» Ахборот-таҳлил бўлимида ўрнатилган бўлиб, фуқаролар томонидан кўнғироқ қилиб қолдирилган мурожаатлар бўлим бошлиғи томонидан қабул қилинади.

Мурожаатнинг мазмуни тўлиқ ёритилган ҳолда ёзиб олиниб, мурожаат эгасига кўрилган чоралар ҳақида расмий жавоб юбориш учун унинг шахси, манзили ва телефон рақами ҳақида маълумотлар олинади. Ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ОАК қабулхонасида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб, раҳбариятига киритилади.

8. Мурожаатлар қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

9. Мурожаатларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиди ва бу ҳақда мурожаат эгасига хабар қилинади.

10. Мурожаат мазмунига қараб тегишли бўлимга киритилади, ўрганиб чиқилади ва жавоб хати Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси имзоси билан муаллифга юборилади.